

уровень гумуса в почве, высокая степень засоленности, неравномерное расположение водосточников. Для рационального использования пастбищ необходимо во всех хозяйствах региона разработать и применять планы их использования не более одного сезона, с учетом урожайности и овцеёмкости. При составлении таких планов необходимо учитывать количество личного скота, выделять специальные территории. Только при

такой системе выпаса можно экологически обезопасить пастбища и обеспечить их рациональное использование.

Надо иметь в виду, что зимы здесь более продолжительные, больше невыпасных и холодных дней, чем в других регионах, поэтому для сохранения овец следует запастись кормом на зимний период с тем, чтобы создать необходимый страховой фонд. Это требует на каждую зиму

ющую овцу заготавливать не менее 180-200 кг грубого корма и сохранять его на местах зимовки.

Таким образом, соблюдение вышеперечисленных условий может способствовать повышению эффективности ведения каракульского овцеводства, сделать его экономически более рентабельным и экологически безопасным.

Б. АЖИНИЯЗОВ,
соискатель Уз НИИКИП

Кўйларда цист эхинококкоз таркалиши

Қизилқум массиви мамлакатимизнинг асосий яйлови ҳисобланади. Бу ерда қарийб 6 млн. бош қорақўл қўйлари боқилади. Массивнинг тупроғи макро ва микро элементларга бой бўлиб, ўсимликлари ва мазкур элементлар микдори жихатидан бошқа ҳудудларга нисбатан кўп ва хилма хилдир. Ушбу жихатларни ҳисобга олиб, чорва ҳайвонларида тарқалган ва аниқданган эхинококк пуфақларининг биологик ҳолатини ўрганиш мақсадида тадқиқот ўтказдик.

Текшириш материаллари сифатида турли ёшдаги қорақўл қўйларни махсус ва мажбурий сўйишдан ёки ўлгандан кейинги ички аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришлар ўрганилди. Материалларнинг патоморфологик ўзгариши оддий кўз билан ва микроскопик усул-да қайд қилинди. Массивдаги қорақўлчилик ширкат хўжалиқларидан ўн биттасидаги 1360 бош 5—7 ёшдаги қўйлар текширилди. Бунда Бухоро, Навоий қушхона-ларда сўйилган ва хўжалиқларда нобуд бўлган қўйлар-нинг барча ички аъзолари эхинококк пуфақларга текширилди. Аниқданган пуфақларнинг катталиги, тирик-лиги, қайси аъзода жойлашганлиги ва бошқа анато-мик тузилишларига эътибор берилди.

Кузатув ва таҳлиллардан маълум бўлдики, текширилган 1360 бош қўйдан 815 таси эхинококкозга ча-линган бўлиб, бу 59,9 фоизни ташкил қилди. Айрим хўжалиқларда чалиниш ўртача зарарланишдан ҳам юқори эди. Масалан, Карагата ширкат хўжалигида тек-ширилган 189 бош қўйдан 119 тасида эхинококкоз ку-затилди (85,6 фоиз). Бу қўрсаткич Жонгелди хўжалиги-да 69,2, Бирлик хўжалигида .66,2, Кўкчада 90 ва Кони-мех хўжалигида 60 фоизга тенг бўлди.

Текширилган қўйларда 1341 дона эхинококк топил-ди. Улардан 298 таси тирик бўлиб, бу барча пуфақларнинг 22,2 фоизини, ўлганлари (петрификациялангани) 1043 дона бўлиб, 77,8 фоизни ташкил қилди. Айрим хўжалиқларда ўлик пуфақларнинг микдори ўртача мик-дорига қараганда бир неча бор кўп эди. Жумладан, Кўкча ширкат хўжалигида 83,9, Қизилқумда 81,2, Мингбу-локда 88,7 ва Бирлик хўжалигида 80 фоизга тенг бўлди. Аниқданган пуфақлардан жигарда 949 та ёки 70,8 ва ўпкада 392 та, яъни 29,2 фоизни ташкил қилди.

Умуман, пуфақлар қўйларнинг жигарида кўпроқ жойлашган. Масалан, Карагата ширкат хўжалигидаги қўйларнинг жигарида 95,4, Конимехда 90,5, Мингбу-локда 89,6, Бирликда 87,3, Авангардда 84,2, Томдида 75, Жонгелди ва Узунқудук ширкат хўжалиқларида 72,5—72,3 фоиз учради.

Аниқданишича, массивдаги қўйларда 48,8 фоиз пу-фақларнинг катталиги 1 мм. дан ошмади, 2 мм катта-ликдаги пуфақлар 32,5 фоиз, 4 мм. лиги 4 фоиз, 6 мм. лиги 2,8 фоизни, ўрта катталиқдагилари 7,9 ва йирик катталиқдагилари эса 4 фоизни ташкил қилди.

Айрим ширкат хўжалиқларида, жумладан, Авангард, Мингбулоқда йирик ва ўрта катталиқдаги пуфақлар ўрнига майда пуфақлар тегишлича 33,5, 59,7, ва 73,7 фоизга кузатилди.

Қўйлар бошқа ҳудуд ва минтақаларга ўхшаб эхи-нококкозга табиий чалинади, аммо улар организмда пуфақлар тўлиқ ривожланмайди. Қўйлар кун сайин ўсиши ва ёши катта бўлишига қарамай пуфақларнинг аксарияти ўсмай, майдалигича қолади. Текширилган 5—7 ёшдаги қўйларда эхинококк пуфақ-лари бошқа минтақаларга қараганда, йирик катта-ликда ва тирик ҳолатда бўлади. Бу массивда пуфақларнинг ўсмай ва ривожланмай қолишига тупроғи ва флораси сабаб, деб ҳисоблаймиз. Зеро, массив-нинг тупроғи ва ўсимликлар дунёси микро ва макро элементларга бой. Қўйлар бу ерда мунтазам бо-килиши натижасида кун сайин кам микдорда бўлса ҳам тупроқ ва ўсимликларни истеъмол қилиши баробар ида макро ва микро элементларни истеъмол қилади, бу уларнинг биологик ҳолатига салбий таъ-сир этади. Натижада пуфақларнинг ўсмаслиги ва ри-вожланмаслиги кузатилади.

Назоратдаги қўзилар тажрибанинг 610-куни сўйил-ганда биринчи ва иккинчи тажриба қўзиларида эхинококк пуфақларининг катталиги жигар ва ўпкада 1—5 мм. дан ошмади. Улар қаттиқ ҳолатда бўлиб, қийин-чилик билан кесилди, пуфақнинг қобиғи қалинлаш-ган, айримларида суюқдик кам микдорда. Аммо про-тосколекслар' кузатилмади. Назоратдаги қўзиларда аниқданган пуфақларнинг катталиги 7 см. дан кам бўлмай, таркибида суюқдик, протосколекслар мавжуд.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосага ке-линди:

■ 1. Қизилқум массивида ҳам қорақўл қўйлар бошқа ҳудудлардаги қорақўлчилик хўжалиқларидаги қўйлар каби эхинококкоз касаллигига чалинади.

2. Қўйлар мунтазам макро ва микроэлементларга бой ўсимликларни истеъмол қилиши натижасида эхинококк пуфақлари ривожланмай қолади ва аксарият ҳолатда нобуд бўлади.

3. Тажриба ўтказилган 1360 бош қорақўл қўйлар-нинг ўпкасида 392, жигарида 949 дона эхинококк пуфақлари аниқданди. 1341 пуфақдан 22,2 фоизи физиологик ривожланган, 77,8 фоизи ўлик ҳолатда экан-лиги қайд қилинди.

4. Аниқданган пуфақлардан 32,5—48,8 фоизи 1—2 мм катталиқда.

5. Пуфақларнинг 70,8 фоизи жигарда, 29,2 фоизи эса ўпкада кузатилди.

Ш. АМИНЖОНОВ,
(Уз ВИТИ)